

Инсоният ибтидоси



18:09 / 17.08.2020 5451

«Эй мўминлар! Сўзларимни яхшилаб эшитингиз, яхши англангиз ва яхши муҳофаза этингиз. Раббингиз бирдир. Отангиз бирдир. Барчангиз Одамдансиз. Одам эса тупроқдандир. Ҳеч кимнинг бошқалардан устунлиги йўқдир. Шараф ва устунлик фақат фазилат иладир».

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллалоҳу алайҳи вассаламнинг Вадо хутбаларидан.

Дарҳақиқат, охир замон дини бўлмиш Исломда жамийки инсоният Одам Ато ва Момо Ҳаводан тарқалгани барчамизга уқтирилади. Муқаддас китобимиз Қуръони Каримда, ундан олдинги муқаддас китобларда ҳам шундай марҳамат қилинади. Аммо баъзи материалист олимлар, яъни Дарвиннинг даҳриёна назариясининг тарафдорлари инсоният одамсимон маймунлардан тарқалган деган давони ҳамон илгари суришади. Баъзи

моддапарастлар фан ва дин ўртасига «Хитой девори» қўйишга ҳаракат қиладилар, аслида фан томонидан қилинган кашфиётлар бизга Аллоҳнинг мўъжизаларини англатадиган ва тасдиқлайдиган воситалар эмасми? Фан ва техник тараққиёт асри бўлган XX асрда қилинган кашфиётларни амалга оширган олимлар қилган кашфиётларнинг асл моҳиятини Қуръони Каримда кўриб лол қолдилар бунга биз жуда кўп мисоллар келтиришимиз мумкин. Аммо бизда дунёвий фанларни ўқитиш баробарида бу каби фан оламидаги кашфиётлар ҳамон пинҳон қолмоқда. Лекин биз юқоридаги мавзуимиздан оғишмаган ҳолда эътиборингизни қўйидаги маълумотга қаратмоқчимиз.

«Newsweek» журналининг 1988 йилги сонларидан бирида молекуляр биология соҳасида ўтказилган илмий тадқиқот ҳақида гап боради. Шундай қилиб илмий тадқиқот мобайнида олимлар инсон ДНК сининг халқаро генетик заҳирасини тўпладилар ва ҳудудий ва ирқий хилма-хил хусусиятга эга бўлган аёллар ДНК си ўрганилганда, уларнинг ота-онасидан ўтган ирсий маълумотлардан ташқари уларнинг барчаси учун умумий хусусиятга эга бўлган ДНК ҳудудлари мавжудлиги исботланди. Яъни, бу ДНК ҳудудлари бутун инсоният учун умумий бир хил хусусиятга эга ва бу тадқиқот хулосасига кўра инсоният бир онадан тарқалган. Бу эса ўз навбатида муқаддас китоблар Инжил ва Қуръонда марҳамат қилинган башариятнинг онаси Момо Ҳаво эканлиги илмий жиҳатдан тасдиқланди.

Бу каби тадқиқотларнинг яна бири ҳақида «Times» журналининг 1995 йилги сонларидан бирида гап боради. Бу сафар Аризона Университетининг генетики олим Мишель Хаммер ҳудудий ва ирқий хилма-хил бўлган инсонларнинг Y хромосомалари гуруҳларини ўрганиб у ҳам бутун инсониятнинг аجدоди бир экан деган хулосага келади. Шунингдек Мишел Хаммер: «Бу тадқиқот Ер юзининг турли қисмларида яшаётган инсонлар одамсимон маймунларнинг тадрижий тараққиёти давомида шаклланган авлодларидир, деган назарияни инкор қилиши шубҳасиздир» деб ёзади.

Ҳеч кимга сир эмаски бу фоний дунёга келишимиз билан ўз фаровонлигимизни таъминлаш мақсадида турли дунёвий касбларни эгаллаймиз. Ҳатто баъзиларимиз дунёвий илмларни моҳир билимдони сифатида юқори мартабларни эгаллаганмиз. Албатта, илм эгаллаш ҳар бир инсон учун хосдир аммо дунёвий фанларни жоҳилона тарзда муққадас эътиқодимизга қарши қўйиш жоҳилликдан ўзга нарса эмасми. Шундай экан, қачонгача биз ёшларимиз онгига фан ва диний қарашларни бири-бирига қарши қўйиб сингдириб келамиз. Бу каби жоҳилликдан кўра

илмсизлик яхши эмасми!?

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчимизки дунёвий фанларни эътиқодимизга қарши қўймайлик бу илмлар бизга Аллоҳ таолонинг чексиз мўъжизаларни англаш воситасидир ва ёш авлод таълим тарбиясида ҳам бунга эътибор қаратсак мақбул иш бўларди.

Islom.uz портали таҳририяти